

Ўзбекистон Республикаси номидан

ҲУКМ

2023 йил май ойининг 8 кунда, жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси, Кармана тумани ИИБ ЖХХ Пробацяя гуруҳи биносида бўлиб,

Раислик этувчи: Ж.Каримов,

судья ёрдамчиси Р.Ражабовнинг котиблигида, томонлардан Кармана туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Нурматовнинг иштирокида, жабрланувчи [REDACTED], судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг қатнашувида, судланувчи [REDACTED]

ва [REDACTED] га нисбатан бўлган [REDACTED]

-сонли жиноят иши қўрилди. Иш ҳужжатларига кўра,

[REDACTED], 2001 йил 28 март куни [REDACTED] туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти тугалланмаган олий, уйланмаган, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED] да яшайди, иш бўйича 14.03.2023 йилда “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 07.04.2023 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан;

[REDACTED] 2001 йил 22 июль куни [REDACTED] туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти тугалланмаган олий, уйланмаган, муқаддам судланмаган, Навоий давлат кончилик ва техника университети [REDACTED], [REDACTED]

[REDACTED] М.Ф.Йда яшайди, иш бўйича 15.03.2023 йилда “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 07.04.2023 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар ва жабрланувчининг кўрсатмаларини эшитиб, иш материалларини тафтиш қилиб, томонларнинг музокара



сўзларини тинглаб, судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзларини эшитиб, қўйидагиларни,

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED], алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2023 йилнинг 10 февраль куни ўзига олдиндан таниш бўлган [REDACTED] билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлиб, Конимех туманида жойлашган электростанция қуриш билан шуғулланаётган Хитой давлати корхонаси ишчиларидан 15.910.000 сўм пулларни [REDACTED] да яшовчи [REDACTED] га Навоий вилоятидан Тошкент шаҳрига такси автомашинаси орқали бериб юборишини айтиб, ушбу пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу пул маблағини ўзининг шахсий эҳтиёжлари билан ишлатиб юбориб, фуқаро [REDACTED] манфаатларига жами бўлиб, 15.910.000 сўм моддий зарар етказган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED], ҳозирда Навоий шаҳрида ижарада яшаб келаётгани, 6-7 ойлар илгари ўзини Тошкент шаҳридан деб айтган [REDACTED] исмли фуқаро билан автоювиш шахобчасида танишгани, сўнг ушбу шахс билан таниш бўлиб қолиб, телефон орқали гаплашиб тургани, ушбу фуқаро нима иш қилишини билмаслигини, танишганидан сўнг орадан йигирма кунлар ўтиб, [REDACTED] унга телефон қилиб, Конимех тумани Зафаробод шаҳарчасига бориб пулини олиб келиб, Тошкентга жўнатишини, уни эса рози қилишини айтгани, сўнг у Конимех тумани Зафаробод шаҳарчасига корейс миллатига мансуб фуқаролар ишлайдиган жойга бориб, ушбу фуқаролардан 1.400 АҚШ доллари миқдордаги пулни олиб, Тошкент шаҳрига [REDACTED] га почта орқали жўнатиб юборгани, сўнг ҳар ой Жасурнинг пулини корейслардан олиб Тошкент шаҳрига жўнатиб келгани, бундан ташқари, [REDACTED] ни корейсларга берган машинаси бузилиб қолган вақтларда, Навоий шаҳрига устахонага тузаттириб бергани, [REDACTED] эса қилган хизматларига яраша пулини бериб келгани, 2023 йил 9 февраль куни Навоий шаҳридаги масжидни олдида ишлаб турган вақтида, шу куни соат 19:00 ларда [REDACTED] унга қўнғироқ қилиб, Зафарободдан пулини олиб жўнатиб юборишини айтгани, сўнг, у 2023 йил 10 феврал куни соат 08:30 ларда такси билан Зафарободга кетаётган вақтида, [REDACTED] қўнғироқ қилиб, Навоий шаҳрида кутиб туришини корейсларни таржимони [REDACTED] исмли фуқарога телефон қилишини айтгани, у Навоий шаҳрига келиб, Машрабга телефон қилгани, Машраб унга Навоий шаҳридаги [REDACTED] ” мажмуаси рўпарасидаги меҳмонхона олдида кутиб туришини айтгани, у шу ерда Машрабни кутиб ўтиргани, соат 11:30 лар атрофида шу ерга [REDACTED] келгани, сўнг



Машрабдан 15.910.000 сўм пулларни олгани, сўнг янги бозорга такси билан кетгани, у ерга борганида киракашлик билан шуғулланувчи ёшлиқдан таниш бўлган Шахриёрга телефон қилиб уни чақиргани, сўнг у келиб, унинг машинасига ўтиргани, сўнг йўлга чиққани, кетаётганларида, у чўнтагидан Жасурни пулини олиб, сигарета чеккани, шунда Шахриёр бунча пулни нима қиласан деб сўрагани, у унга пулни Жасурга Тошкентга юборишини айтгани, шунда Шахриёр унга шу пулни олиб қарзларни тарқатса яхши бўлишини, кейин ишлаб қайтаришларини айтгани, шунда Шахриёр билан ушбу пулларни ўзаро бўлиб олишга келишгани, Жасурга унинг 93-818-23-29 рақамидан соат 12:30 лар атрофида телефон қилгани, у унга [REDACTED] “ [REDACTED] ” да “ [REDACTED] ” исмли таксист билан бериб юбораяпман” деб, унга Шахриёрни [REDACTED] рақамини бериб, телефонни Шахриёрга бергани, шунда Шахриёр Жасур билан [REDACTED] гаплашгани, Жасурни манзилини олгани, кечқурун соат 22:00 лар оралиғида Тошкент шаҳрига етиб боришини айтгани, телефонни кўйганидан сўнг, Шахриёр билан келишувларига биноан иш тутиб, у Шахриёрга [REDACTED] кўчаси светофорни олдида автомашина эҳтиёт қисмлари сотадиган исми Акмал бўлган одамнинг савдо дўконига киришини қарзини тўлаб чиқишини айтгани, сўнг у эҳтиёт қисмлар дўконига кириб у ерда қолган 237.000 сўм қарзини бериб чиқиб, Шахриёрни машинасига ўтиргани, шунда Шахриёр унга пулларни 10 миллион сўмини олиб қолиб, қолганини беришини айтгани, у унга 5.700.000 сўм пулни бериб қолган пулларни ўзига олиб қолгани, сўнг Шахриёр билан шаҳар ичида таксида юргани, Шахриёр [REDACTED] олдидаги пайнетдан ўзининг жарималарини тўлагани, шу вақтда Шахриёр Жасурга берган [REDACTED] рақамини светофор олдида отиб юборгани, сўнг у Али исмли танишини [REDACTED] олдида келишини айтгани, у келганидан сўнг ундан олган 1.100.000 сўм қарзини бериб юборгани, сўнг Шахриёр кетгани, шу вақт соат 16:00 лар атрофида у [REDACTED] исмли танишига телефон қилгани, сўнг у билан гаплашиб, Қўшрабод туманига бориб Сардорга 850.000 сўм қарзини бергани, Навоий шаҳридаги масжид олдидаги савдо дўконидан 240.000 сўм қарзини бергани, сўнг уйга кириб ётгани, эртаси куни 2023 йил 11 феврал куни соат 09:00 лар атрофида Жасур унга телефон қилиб, унга пул бормаганлигини айтгани, шунда у унга ҳозир топиб суриштиришини айтгани, шунда у пул берган таксини излаётгандай кўриниш мақсадида, Кармана тумани [REDACTED] ” светофорни олдида бориб, ёлғондан Санжар исмли таксистни суриштиргани, у ерга боришдан мақсади шу ерда бўлган видеокамераларга пулни излаётгандай ҳолатда кўриниш бўлгани, шу ердан Жасурга телефон қилиб кечгача кутишини, ухлаган бўлса ўзи телефон қилиб қолар деб айтгани, шу куни соат 11:00 ларда Навбахор туманига уйига кетгани, у ерга



борганда 150.000 сўм Бурхон исмли фуқарони савдо дўконига қарзини тўлаб, уйга бир кириб, Навоий шахрига қайтиб келгани, Навоий шахрига соат 15:00 лар атрофида келиб ижрар уйида келиб ухлагани, сўнг бир уйқудан туриб кўчани айланиб яна қайтиб ухлагани, сўнг эртаси куни 2023 йил 12 феврал куни эрталаб 8:30 ларда уйғонгани, унга Жасур телефон қилиб, пули етиб бормаганини, бориб суриштиришини айтгани, у яна автовокзал ва шу атрофларда юргани, соат 10:30 дан 11:00 лар атрофида Жасурга телефон қилиб, Санжар исмли таксистни тополмаётганлигини айтгани, шунда Жасур унга “102”га телефон қил деб айтгани, шунда у соат 12:30 да 102 қисқа рақамига телефон қилиб бўлган ҳолат ҳақида ёлғон хабар бергани, сўнг 2023 йил 13 феврал куни “Али” исмли танишига жами 1.150.000 сўм қарз бергани, 2023 йил 14 феврал куни онасига “Янгибозор”дан 8-март кунига байрамга деб 1.030.000 сўмга куйлак билан шуба сотиб олиб, уйга етиб қўйгани, унда қолган пулларни йўлга таксига, еб ичишига ва бошқа сарф харажатларга сарфлагани, уйида ҳозир 500.000 сўм пул қолгани, уни ИИБ ходимлари чақириб ҳолат бўйича сўрашганда, уни ёлғон кўрсатма бериб, ИИБ ходимларини ҳам ўзини жабрланган қилиб кўрсатгани, унинг кўрсатмаларига асосан ИИБ ходимлари билан бирга бир неча кун давомида [REDACTED] исмли таксистни ва оқ рангли [REDACTED] ни излашгани, кейинчалик у тергов оргни у ва [REDACTED] тегишли бўлган пулларни эгаллаш мақсадида ёлғон ишлатиб, Жасурни алдашгани ва унинг пулларини ўзларининг қарзларини қоплаб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишгани тан олиб олиб тушунтириш хати ёзиб беришгани, ҳозирги кунда жабрланувчига етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини айтиб, қонуний енгиллик беришини билдириб кўрсатма берди.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED], у 2023 йил 10 февраль куни Навоий шахри ҳудудида киракашлик фаолияти билан шуғулланиб юрган вақтида, соат 12:00 атрофида ўртоғи С [REDACTED] унга кўнғироқ қилиб, уни олдига боришини айтиб, унда гапи борлигини айтгани, у уни ёнига Навоий шахридаги 8-ўрта мактабнинг ёнига ўз бошқарувида бўлган “Жентра” русумли автомашинада боргани, дўсти [REDACTED] автомашинасига ўтирганидан сўнг, ундан Кармана тумани ҳудудида жойлашган автошоҳбекатга олиб бориб келишини илтимос қилгани, у рози бўлиб, [REDACTED] ни автомашинасида Кармана тумани ҳудудида жойлашган автошоҳбекатга олиб кетаётган вақтида [REDACTED] унга Тошкент шахрида яшовчи “ [REDACTED] исмли шахснинг автомашиналарини ювиб танишиб қолганлигини, автошоҳбекатда унинг 15.910.000 сўм пулларини почта қилиб, Тошкент шахрига бериб юбориши кераклигини айтиб, унга караб “пулларни нима қиламиз?” деб савол бергани, у ҳам унга “нима қиламиз?” деб айтгани, у унга “бир йўлини



топиб, пулларни олиб қолиб, бўлишимиз оламизми” деб айтгани, унинг қарзлари кўплиги сабабли, у ҳам рози бўлиб, ундан режасини сўрагани, шунда [REDACTED] унга тошкентлик Жасур билан таксист сифатида гаплашиш учун улардан бошқа фуқаронинг номида бўлган сим карта топиш кераклигини айтгани, у фуқаро [REDACTED] га унда сим карта борлигини айтгани, сўнг [REDACTED] унинг [REDACTED] 66 рақамли сим картасини ўзининг қўл телефон аппаратиغا қўйгани, Кармана тумани “ [REDACTED] кўчасида ўзининг тошкентлик танишига кўнғироқ қилиб, салом-алик қилиб, унинг 15.910.000 сўм пулларини оқ рангли “ [REDACTED] русумли автомашинада бериб юбораётганлигини айтгани, ичида унга тегишли булган [REDACTED] рақамли сим карта қўйилган қўл телефон аппаратини унга бергани, у ундан телефон аппаратини олиб, унинг тошкентлик Жасур билан салом-алик қилиб, ўзини “ [REDACTED] деб таништириб, фуқаро [REDACTED] дан 15.910.000 сўм пулларни олганини айтганидан сўнг, у ундан қанча вақтда Тошкент шаҳрига етиб боришини сўрагани, сўнг у унга соат 22:00 лар атрофида Тошкент шаҳрига етиб боришини айтгани, сўнг у ундан почта пули қанча бўлишини сўрагани, у унга почта пули 100.000 сум бўлишини айтгани, у рози бўлиб, Тошкент шаҳрига келиб унга кўнғироқ қилишини айтгани, сўнг [REDACTED] билан унинг автомашинасига ўтириб, Кармана туманида жойлашган “Марказий деҳқон” бозори олдидан ўтаётган вақтларида [REDACTED] унга автомашинани қайтаришини, [REDACTED] кўчасида жойлашган автомашина жиҳозларини сотувчи дўкондан қарзи борлигини, шу қарзини бериб кетиши зарурлигини айтгани, у автомашинани қайтариб, “ [REDACTED] кўчасига қараб бошқаргани, [REDACTED] дўконга қарзларини тўлаб чиққанидан сўнг, автомашинага ўтириб, унга [REDACTED] исмли фуқарога юбормасдан ўзаро келишиб, уни алдаб, ўзларида олиб қолган пулларни санаб, бир қисмини унга бергани, у ундан қанча пул берганлигини сўраган вақтида, у унга “билмадим қанча ол сана” деб айтгани, [REDACTED] унга автомашина ичида берган 100.000 сўм купюрадаги пулларни санаганида, 5.700.000 сўм берганлигини билганини, 5 дақиқадан сўнг, [REDACTED] дўкондан чиқиб, унинг автомашинасига ўтиргани, у уни Навоий шаҳрида қолдиргани, шу куни киракашлик фаолияти билан шуғулланиб бўлиб, яшаш хонадонига бориб дам олгани, [REDACTED] унга берган 5.700.000 сўм пулларни автомашинасида қолдиргани, эртаси куни яъни 2023 йил февраль куни соат 08:00 ларда ўзининг яшаш хонадонидан чиқиб, соат 10:00 ларда Навоий шаҳрида жойлашган “Анорбанк”га бориб, 3.000.000 сўм кредитини ёпиб, шу куни соат 13:00 ларда Навбаҳор тумани “ [REDACTED] да яшовчи Гулмаматов Жавохирга [REDACTED]. худудида жойлашган ун тарқатиш дўконини ёнида ундан олган 2.500.000 сўм қарзини қайтариб бергани, қолган 200.000 сўм пулнинг 150.000 сўмга соат



14:00 ларда [REDACTED] да жойлашган “ [REDACTED] тўйхонасининг ёнида жойлашган ёқилғи қўйиш шахобчасидан бензин олгани, соат 15:30 ларда Навоий шаҳрида жойлашган [REDACTED] чойхонасидан 16.000 сўмга икки дона сомса сотиб олиб тушлик килинганлиги, қолган 34.000 сўм пулларни ўзи киракашлик фаолияти билан шуғулланиб, ишлаб топган пуллари орасига қўшиб юборганини, уларни айнан қаерга ишлатганлигини билмаслигини, ҳозирги кунда жабрланувчига етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини айтиб, қонуний энгиллик беришини билдириб кўрсатма берди.

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] нинг айби, унинг айбига иқроп бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчининг кўрсатувлари билан, ҳамда қуйидаги далиллар билан тўлиқ тасдиқланди.

Судда жабрланувчи сифатида сўроқ қилинган [REDACTED] ўзининг кўрсатмасида, 2022 йил сентябрь ойида у тадбиркорлик фаолияти билан Навоий вилоятига боргани ва шу вақтда Навоий шаҳрида такси ҳайдовчилик фаолияти билан шуғулланувчи [REDACTED] исмли йигит билан танишгани, [REDACTED] билан яқиндан танишиб, унга Конимех туманида “Электростанция” қуриш билан шуғулланиб келаётган Хитой давлатининг фирмаси ишчиларида ижара пулларини олиб, унга Тошкент шаҳрига бериб юборишига у ушбу хизмати учун унга 200.000 сўм пулларни беришга келишгани, сўнг ҳар ой [REDACTED] унга Конимех туманида “ [REDACTED] ” қуриш билан шуғулланиб келаётган Хитой давлатининг фирмаси ишчиларидан 1.400 АҚШ доллари ижара пулларини олиб, унга Тошкент шаҳрига жўнатиб тургани, 2023 йил 10 февраль куни у Муротов Сардорнинг [REDACTED] рақамига кўнғироқ қилиб Конимех туманида “Электростанция” қуриш билан шуғулланиб келаётган Хитой давлатининг фирмаси ишчиларидан ижара пулларини олиб унга жўнатишини айтгани, шу куни соат 12:00 ларда Муротов Сардор унга кўнғироқ қилиб, 1.400 АҚШ доллари ижара пулларини олганлигини, ушбу пулларга ундан олган 900 сўм миқдоридаги қарзини ҳам қўшиб, такси орқали Тошкент шаҳрига яъни унга бериб юборишини айтгани, сўнг у Конимех туманида “Электростанция” қуриш билан шуғулланиб келаётган Хитой давлатининг фирмасида таржимонлик қилувчи Бобоев Машраб билан ҳам гаплашгани, у [REDACTED] Навоий шаҳрида 1.400 АҚШ доллари ижара пулларини берганлигини айтгани, шу куни соат 13:00 ларда [REDACTED] унга ўзининг [REDACTED] абонент рақамидан кўнғироқ қилиб, почта бериб юбориш учун такси ҳайдовчисининг олдида келганлигини айтгани, унга таниш бўлмаган ушбу такси ҳайдовчисини у билан гаплаштиргани, ушбу такси ҳайдовчиси унга



Ўзини [REDACTED] деб таништириб, шу куни соат 20:00 ларда Тошкент шаҳрига етиб боришини, унга бериб юборилган пулларни санаб олганини, ўзининг рақами [REDACTED] эканлигини, айтиб боргандан сўнг, ушбу рақамдан қўнғироқ қилишини айтгани, соат 20:00 ларда у Санжар исмли такси ҳайдовчисининг + [REDACTED] рақамига бир неча маротаба қўнғироқ қилгани, аммо ушбу телефон ўчганлиги сабабли, у билан гаплаша олмагани, 2023 йил 11 февраль куни эрталаб [REDACTED] га қўнғироқ қилиб, такси ҳайдовчиси пулларни олиб келмаганини айтгани, шунда [REDACTED] такси ҳайдовчиси ухлаб ётган бўлиши мумкинлигини, озроқ кутишини айтгани, тушлик вақтида + [REDACTED] рақамига яна бир неча маротаба қўнғироқ қилгани, аммо ушбу абонент рақами ўчганлиги сабабли, у билан гаплашолмагани, сўнг [REDACTED] га қўнғироқ қилиб, такси ҳайдовчисига пулларни бериб юборган жойига бориб кузатув камераларини кўришини ва такси ҳайдовчисининг машинаси рақами ва ўзининг кимлигини аниқлашини айтгани, [REDACTED] унга кузатув камералари ишламаслигини айтгани, сўнг у унга Навоий вилояти ИИБни 102 рақамига ҳолат юзасидан мурожаат қилишини айтгани, шу куни соат 17:00 ларда [REDACTED] га қўнғироқ қилгани, аммо у қўнғироққа жавоб бермасдан, унга ИИБга мурожаат қилганлиги тўғрисида “смс-хабар” ёзгани, сўнг умуман телефон қўнғироқларига жавоб бермагани, кечки вақт соат 23:00 ларда телефон қўнғироғига жавоб бериб, ИИБга мурожаат қилганлигини айтгани, у ундан терговчи ким эканлиги тўғрисида сўраб қистовга олганидан сўнг, ИИБга мурожаат қилмаганлигини айтгани, у унга кетма-кет ИИБга мурожаат қилишини айтганидан сўнг, [REDACTED] 12 февраль куни Навоий вилояти ИИБ 102 рақамига мурожаат қилгани, сўнг ИИБ ходимлари унинг мурожаати юзасидан терговга қадар текширув ишлари олиб боришиб, шу куни унга таниш бўлган [REDACTED] унга тегишли бўлган пул маблағини такси машинаси орқали юбормаганини, ушбу пул маблағини бир шериги билан биргаликда ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини, шу куни уни алдашганлигини аниқлашгани, сўнг [REDACTED] ва унинг ҳаракатлари юзасидан жиноят иши қўзғатилгани, кейин [REDACTED] ва унинг қариндошлари томонидан унга етказилган моддий зарар ўрни тўлиқ қоплаб берилгани ва судланувчилар ундан кечирим сўрагани учун даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатма берди.

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] ўғлиларнинг айби, уларнинг айбига иқроор бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, Кармана тумани ИИБ Шакл 1 китобида 12.02.2023 йилда 1151-рақам билан қайд этилган катта инспектор Ш.Турдиевнинг билдиргиси билан, [REDACTED] нинг тилхати билан ва тушунтириш хатлар ҳамда жиноят ишида мавжуд



бўлган бошқа инкор этиб бўлмас далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] ўғлиларнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 3-бандида, фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши;

4-бандида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

7-бандида, мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади. Қонунга кўра, шахс банкдаги пул маблағларини улар унинг банкдаги ҳисоб варақасига келиб тушган (ўтказилган) пайтдан бошлаб реал тасарруф қилиш имкониятига эга бўлганлиги туфайли, жиноят бу маблағлар уларни маблағ эгаси ҳисоб варақасидан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан олган шахснинг ёки бошқа шахснинг банкдаги ҳисоб варақасига ўтказилган пайтдан тугалланган деб топиш лозим” деб кўрсатилган.

Суд, юқоридаги қонун талабларига асосланиб, [REDACTED] рни Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан жиноий жавобгарликка тортиш лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23.05.2014 йилдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур



хамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин” деб қайд қилинган.

Суд, ЖК 55-моддасига кўра, [REDACTED]нинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарларни бартараф этилгани жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятда содир этилгани ЖК 56-моддасида кўратилган оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топди.

Суд, ЖК 55-моддасига кўра, [REDACTED]нинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарларни бартараф этилгани жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятда содир этилгани ЖК 56-моддасида кўратилган оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

45-бандида, Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги қайд этилган.

Суд, [REDACTED]га жазо тайинлашда юқоридаги Олий суд Пленумининг Раҳбарий кўрсатмаларига амал қилиб, унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалиги ва етказилган зарар бартараф этилганлиги, ёш эканлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, ушбу ҳолатлар содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган мажбурий жамоат ишлари жазосини тайинлаб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида, [REDACTED]нинг эҳтиёт чораси сифатида 2023 йил 23 февралдан 2023 йил 24 февралга қадар ушлаб турилган бир куни мажбурий жамоат ишлари жазосининг тўрт соатига тенглаштириб, тўрт соатни чегириб ташлаб, ўташ учун мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлашни;

ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи [REDACTED]га нисбатан қўлланилган “шахсий кафилликка бериш” эҳтиёт чораси бекор қилишни;

Суд, [REDACTED]га жазо тайинлашда юқоридаги Олий суд Пленумининг Раҳбарий кўрсатмаларига амал қилиб, унинг



қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалиги ва етказилган зарар бартараф этилганлиги, ёш эканлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, ушбу ҳолатлар содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган мажбурий жамоат ишлари жазосини тайинлаб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида, [REDACTED]нинг эҳтиёт чораси сифатида 2023 йил 23 февралдан 2023 йил 24 февралга қадар ушлаб турилган бир кун мажбурий жамоат ишлари жазосининг тўрт соатига тенглаштириб, тўрт соатни чегириб ташлаб, ўташ учун мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлашни;

судланувчи [REDACTED] ва [REDACTED]ларнинг мазкур жиноятни мансабдор шахс сифатида содир этмагани, уларнинг мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишламаслигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасига асосан қўшимча жазо тайинмасликни;

ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи [REDACTED]га нисбатан қўлланилган “шахсий кафилликка бериш” эҳтиёт чораси бекор қилишни;

судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED]лар томонидан жабрланувчи [REDACTED]га етказилган 15.910.000 сўм зарар - тергов жараёнида тўлиқ қопланганлиги инобатга олишни;

[REDACTED] ва Ш.Барноевларнинг тергов ва судда ҳимоя ҳуқуқини тушунтириш ва тергов жараёнида ушлаш жараёни ёзилган уч дона “DVD” дисклар жиноят иши билан бирга сақлашни лозим деб топди.

Баён этилганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 459-460, 462-463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосланиб, суд,

## Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

1. Судланувчи [REDACTED] [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбли деб топилсин.

Унга нисбатан ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўллаб, 480 (тўрт юз саксон) соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 62-моддаси тартибида, [REDACTED]нинг эҳтиёт чораси сифатида 2023 йил 23 февралдан 2023 йил 24 февралга қадар ушлаб турилган бир кун мажбурий жамоат ишлари жазосининг тўрт соатига тенглаштириб, тўрт соатни чегириб ташлаб, ўташ учун 476 (тўрт юз етмиш олти) соат мажбурий жамоат ишлари жазоси қолдирилсин.

Мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган шахс жазони ўташга суднинг ҳукм қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги хабарномаси



жазосини ижро этиш инспекциясига келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиртирмай жалб қилинсин.

Ҳукм ижросини таъминлаш Навбаҳор тумани ИИБ ЖХХ Пробаця гуруҳига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи [REDACTED] га нисбатан қўлланилган “шахсий кафилликка бериш” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

## 2. Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбли деб топилсин.

Унга нисбатан ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўллаб, 480 (тўрт юз саксон) соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 62-моддаси тартибида, [REDACTED] нинг эҳтиёт чораси сифатида 2023 йил 23 февралдан 2023 йил 24 февралга қадар ушлаб турилган бир кун мажбурий жамоат ишлари жазосининг тўрт соатига тенглаштириб, тўрт соатни чегириб ташлаб, ўташ учун 476 (тўрт юз етмиш олти) соат мажбурий жамоат ишлари жазоси қолдирилсин.

Мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган шахс жазони ўташга суднинг ҳукм қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги хабарномаси жазосини ижро этиш инспекциясига келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиртирмай жалб қилинсин.

Ҳукм ижросини таъминлаш Навбаҳор тумани ИИБ ЖХХ Пробаця гуруҳига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи [REDACTED] га нисбатан қўлланилган “шахсий кафилликка бериш” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] лар томонидан жабрланувчи [REDACTED] га етказилган 15.910.000 сўм зарар - тергов жараёнида тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

[REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг тергов ва судда ҳимоя ҳуқуқини тушунтириш ва тергов жараёнида ушлаш жараёни ёзилган уч дона “DVD” дисклар ушбу жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар йигирма сутка муддат ичида, судланувчилар ва жабрланувчи эса, уларга ҳукм нусхаси топширилган кундан бошлаб, Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Ж.Каримов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

